SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 27-SENTABR ■ SHANBA ■ 115 (27.135) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## БИРИНЧИ МАРТА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш, улар билан тарбиявий ишларни такомиллаштириш, бу ишда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қарор қиламан:

1. Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар 2004 йилнинг 1 февралига қадар бўлган муддатда қолган жазо муддатини ўташ учун ўтказилсинлар:

унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар — умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига;

ўта оғир жиноят содир этганлар — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) икки ойлик муддатда ушбу масалада барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва Бош прокуратура (Р. Қодиров) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 1-банди ижросини таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин.

3. Бош прокуратура (Р. Қодиров) Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Адлия вазирлиги (А.Полвон-зода) билан биргаликда, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақидаги таклифларни бир ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсинлар.

4. Мазкур Фармон ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 сентябрь

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 сентябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Борис Алёшинни қабул қилди.

Икки мамлакат раҳбарларининг шу йил август ойида Самарқандда бўлиб ўтган учрашувида кўплаб масалалар муҳокама этилиб, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг таркибини янгилаш ва фаолиятини такомиллаштиришга келишиб олинган эди. Б.Алёшин янги таркибдаги комиссиянинг илк мажлисида қатнашиш учун Тошкентга келган.

Россия Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шерикларидан биридир. Нефть-газ саноатидек иқтисодиётнинг етакчи стратегик тармоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Россиянинг «Газпром» очиқ турдаги акциonерлик жамияти ўртасидаги келишувнинг ўзи бунинг ёрқин тасдиғи бўла олади. Улар ўртасида имзоланган ҳужжат узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, нафақат энергетика хомашёси экспорти, балки янги конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, тармоқ ускуналарини янгилаш каби техникавий ишларни ҳам ҳамкорликда амалга оширишни назарда тутади.

Умуман, Ўзбекистон ва Россия иқтисодий ҳамкорлиги тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатидан машинасозлик ва самолётсозлик каби мураккаб технология талаб қиладиган соҳаларгача талай йўналишларни қамраб олган.

Оқсаройдаги учрашувда ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**Суратда:** қабул пайти.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, экспорт-импорт операциялари амалга оширилиши устидан маъмурий назорат усулларини қисқартириш ҳамда ташқи савдони тартибга солиш механизмини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 октябридан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида олдиндан рўйхатга олиш бекор қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги импорт контрактлари Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертиза қилинади:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молияланадиган;

устав сармоясидаги давлат улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган ва ўзининг валюта маблағлари билан таъминланмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган контрактлар.

2. 2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт контрактларининг божхона мониторинги тизими жорий этилсин. Бундай тизим уларни ҳисобга олиш, импорт қилинадиган товарларни божхона орқали баҳолаш бўйича чора-тадбирлар комплексини, шунингдек ваколатли органларнинг ахборот айирбошлаш борасидаги ҳамкорлигини кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси импорт контрактларининг божхона мониторингини ўтказишни таъминлайдиган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 18 февралдаги Фармонининг 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 сентябрь

## «БИРИНЧИ МАРТА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар содир этган шахслар умумий тартибли, ўта оғир жиноятлар содир этганлар эса, муқаддам судланганларга тенглаштирилган ҳолда, қаттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини ўтамоқдалар.

Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланганларни нисбатан чегараланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга сақлаш, кўпинча, уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар одатда, уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир кўрсата оладиган, нисбатан мустаҳкамроқ оилавий ва бошқа фойдали ижтимоий алоқаларга эга бўладилар. Аммо, қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўтаётиб, улар, амалдаги қонунчиликка биноан, умумий тартибли колонияларда жазо ўтаётганларга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бирмунча кам мулоқотда бўлиш (учрашув, посилка, йўқлов олиш, телефон орқали сўзлашиш) ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, биринчи марта судланганларнинг узоқ муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча маротаба жазо ўтаган шахслар билан бирга бўлишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг бўлиши, уларда келгусида жамият учун зарарли дунёқараш ривожланишига шарт-шароит яратади.

Баён этилганлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колонияларида, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса — умумий тартибли колонияларда ўташлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкорликда, бир ойлик муддатда, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берилди.

Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, жиноят содир этган шахсларга судлар томонидан тайинланган жазоларни камайтириш ёки бошқа тарзда енгиллаштириш бўйича Конституцияда кўзда тутилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳозирда жазо ўтаётган, биринчи марта судланган шахслардан унча оғир бўлмаган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилганларни умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига, ўта оғир жиноятлар учун эса — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар. чта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгаяди.

Юқорида қайд этилган шахсларни енгилроқ тартибли колонияларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).** Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари бошланди. Мазкур маданий тадбир доирасида республика Киночилар уйида Япон кинофильмлари фестивали очилди. Уни Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси ташкил этди.

Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил июль ойининг охирида Кунчиқар мамлакатга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди. Чунки мазкур сафар чоғида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот имзоланган эди. Бу ҳужжат ҳамкорлик ришталарини янада юқори поғонага кўтариш билан бирга, янги қирралар очиш учун кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари илк бор 1996 йилда ўтказилиб, бир ҳафта давом этган эди. Ўзбекистонликларнинг қизиқиши ортган сайин йилдан-йилга тадбирлар кўлами кенгайиб, муддати узайиб борди.

Бу йил маданият кунларининг географик чегара ва кўламлари янада кенгайди, яъни улар 26 сентябрда бошланиб, 17 ноябрга қадар давом этади. Хусусан, Япон кинофильмлари фестивали 3 октябргача бўлиб ўтади. Фестивалдан кўзланган мақсад фақат япон фильмларини кўрсатиш эмас, балки Японияининг бугунги ҳаёти, қўлга киритган ютуқлари ва муаммолари билан таништиришдир.

Япония маданияти кунлари доирасида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театр ҳамда Самарқанд вилояти мусиқа ва драма театрида «Кокоо» гуруҳи ижросида замонавий япон мусиқаси концерти бўлиб ўтади. Замонавий санъат марказида, Бадиий академиянинг Халқаро маданият Карвон саройида, Ўзбекистон давлат консерваториясида қизиқарли кўргазмалар, концертлар ва бошқа маданий тадбирлар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон — Япония марказида Японияининг гулларни безатиш санъати — икебана намойиши ташкил этилади. Кунчиқар мамлакат тўғрисида ҳикоя қилувчи маърузалар, танловлар, викториналар ҳам қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

ХДП хабари

# ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2003 йилнинг 23 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Чжимин қабул қилинди.

Партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда ХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида сўзлаб берди. Элчи суҳбат давомида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида изчил ривожланиб бораётган икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатлар тўғрисида гапирди ҳамда ушбу ҳамкорликнинг янада самарали ривожланишига ишонч билдирди.

Учрашувда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

# WILD CARD КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

ASIAN CHAMPIONSHIPS UZBEKISTAN 2003



Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида ўтказилаётган XXXI Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Қизиқарли ва муросасиз ўтаётган баҳслар мухлис ва мутахассисларга кутилмаган натижалар ҳадя этаётганлиги билан эътиборлидир.

Ўтган йилги Осиё чемпионати финалчиси ҳиндистонлик Рохан Бопанна айни пайтда ATP таснифида 344-ўринни эгаллаб турибди. Рохан бу йилги мусобақага чемпионатнинг энг кучли учинчи ракеткачиси сифатида ташриф буюрди. Шу боис, кўпчилик ҳиндистонлик теннисчини бу сафар ҳам бош соврин — «Катта дубулға» туркумидаги Австралия очиқ чемпионатига бериладиган wild card учун асосий даъвогарлардан бири, деб тахмин қилишганди. Аммо Бопанна илк учрашувда мусобақанинг асосий тўрига саралаш баҳсларидан сўнг қўшилган умидли теннисчимиз Денис Салимсоқовга (4/6, 4/6) ютқазиб қўйди. Денис иккинчи давра учрашувларида вьетнамлик Минх Куан Дони 6/1, 6/2 ҳисобларида енгиб, ғалабаси тасодиф эмаслигини исботлаганди. Аммо Денис Салимсоқов чорак финалда индонезиялик Видиянтога имкониятни бой берди — 4/6, 6/7(3).

Сўнгги пайтларда кўплаб турнирларда муваффақиятсиз иштирок этаётган Олег Огородовнинг қитъа чемпионатида ҳам омади чопмади. Олег иккинчи босқичда покистонлик Ассам Қурейшига ютқазиб қўйди — 5/7, 3/6. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртларимиздан фақат Вадим Куценко ярим финалга йўлланма олди. У бугун чемпионатнинг биринчи ракеткачиси тайпейлик Ю Цзу Вангга қарши кортга чиқади.

Аёллар ўртасидаги яккалик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган олти нафар теннисчидан фақат Оқгул Омонмуродова учрашувларни давом эттирмоқда. Дастлабки учрашувда Элинора Якшибарова (Ўзбекистон)дан устун келган Оқгул кеча ҳиндистонлик Винни Пракусия билан куч синашди — 7/6, 6/3. Ўтган йилги чемпионат финалчиси Иванна Исроилова ҳам учрашувларни муваффақиятли бошлаганди. Бироқ, олдинги босқичларда Анкита Бхамбри (Ҳиндистон), Жин Ёнг Чой (Жанубий Корея)ларни баҳслардан чиқариб юборган иқтидорли ракеткачимиз чорак финалда Анкитанинг ҳамюрти Вукирасиш Савондарига ютқазди — 6/1, 0/6, 5/7. Энди бугун ўтадиган ярим финал учрашувида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова мусобақанинг учинчи ракеткачиси Чиа-Жунг Чуанг (Хитой Тайпейи) билан баҳс юритади.

Чемпионат ғолиблари эртага аниқланади.

**Эркин ХОЛБОБО**

❖❖❖

**Суратда:** ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# ҲОКИМ ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ

Спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бугун давлат сиёсатига айланган. Қашқадарё вилоятида янги ҳоким иш бошлагандан буён, бу соҳадаги ютуқлардан кўра, муаммоларни ҳал қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Масала аниқ ва кўндаланг қўйилди: спортга мутасадди кишилар аввало аҳволни яхши билишсин. Энг чекка қишлоқларда ҳам спорт иншоотлари бўлиши шарт, баҳонага ўрин йўқ.

Вилоят ҳокими яқинда «Болалар спорти ривожланган энг яхши туман» кўрик-танловини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди ва алоҳида низом тасдиқланди. Қарорда қурилган иншоотлар, улардан фойдаланиш, спорт клублари олиб бораётган ишлар, олимпиада, жаҳон ва мамлакат чемпионатлари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» «Универсиада» каби мусобақаларда ёшларнинг қандай иштирок этганлиги алоҳида ҳисобга олиниши уқтириб ўтилди.

**Юнус УЗОҚОВ**

# ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ КЎМАГИДА

АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги — USAIDнинг Ўзбекистондаги вакили вазифасини бажарувчи Бет Саламанка Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб, вилоятдаги нодавлат ташкилотлар вакиллари билан учрашди.

Учрашувда пойтахт вилоятида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотларнинг вакиллари халқаро USAID томонидан молиялаштирилаётган «Соғлом жамият» ҳамда «Наркотикларга талаб ва истеъмолни пасайтириш» дастурларининг амалий ижроси билан таништирилди. Шунингдек, нодавлат ташкилотларнинг бу дастурларни амалга оширишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга қаратилган инновацион лойиҳаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга асосий эътибор қаратилди.

**Соҳибжон САЛИМОВ**

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

**Обуна — 2004**

# ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИДА

Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия марказий нашрларига обунани уюштириш ва ташкил қилиш тадбирларини ўтказиш ҳам қизғин тус олмоқда. ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгашида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиш айни шу масалага бағишланди. Жойларда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига 2004 йил учун обунани самарали ташкил қилиш, омма ўртасида ушбу нашрларга бўлган қизиқишни орттириш масалалари мазкур йиғилишнинг диққат марказида бўлди. Шунингдек, шаҳар партия кенгаши энг фаол маҳаллани, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлимини ва битта ўрта таълим мактабини келгуси йил учун ўз ҳисобидан партия нашрларига обуна қилишга қарор қилди.

ХДП Қўқон шаҳар кенгаши ўтган йилда обунани ташкил қилиш ишлари бўйича вилоят миқёсида юқори ўринда эди. Партия ташкилоти жорий йилги обуна мавсумида ҳам фаол ҳаракат қилиб, пешқадамликни эгаллаш ниятида.

**Зулфияхон ҲОШИМОВА,**
**ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши биринчи котиби.**

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

● **ХДП Сирдарё туман кенгаши** ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида туман партия ташкилоти Маърифат марказида «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» мавзуидаги анжуман ташкил қилинди. Тадбирда сўзга чиққан туман партия кенгаши биринчи котиби М.Аҳмедов ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси З.Чултоновлар ёшлар ва уларнинг муаммоларини бартараф этишдаги вазифалар, йигит-қизларнинг фаол ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқишларини орттириш ҳамда уларни жалб этиш масалалари ҳақида гапирдилар. Тадбир сўнггида ёшлар учун «Тақдир зарбаси» номли бадиий фильм намойиш этилди.

● **Урганч туман**идаги Низомий номли ўрта мактабда халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган «Маънавият — жамиятимиз таянчи» мавзуидаги давра суҳбатига ХДП фаоллари ҳам таклиф қилиндилар. Унда партия Урганч туман кенгаши биринчи котиби Х.Ваисчанов касб-ҳунар коллежи, лицей, мактаблар директорларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари, партия фаоллари, «Камолот» етакчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотининг мазмун-моҳияти тўғрисида сўзлаб берди. Шунингдек, тадбирда қатнашган «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари раҳбарлари К.Матчонов ва Х.Казаковлар сўзга чиқиб, жамиятнинг маънавий янгиланишини таъминлаш, одамлар онгида ахлоқий ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлашга доир таклифлар билдирдилар ҳамда йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

● **Партия Янгиер шаҳар кенгаши** савоб ишга қўл урди. У Шароф Рашидов номли маҳаллада 55 нафар кўзи ожиз кишилар учун меҳр-мурувват дастурхонини ёзди. Тадбирда шаҳар партия ташкилоти биринчи котиби С.Каримов ҳамда вилоят кўзи ожизлар жамияти раиси С.Қодировалар сўзга чиқдилар.

● **Урганч шаҳар партия кенгаши** ва қатор давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ҳамкорликда шаҳар мактаблари ўқувчилари ўртасида футбол мусобақасини ташкил қилдилар. «Камолот» кубоги номли мазкур турнир илк бор ўтказилди. Уч босқичда ўтган мусобақалар сўнггида ташаббускорлар ва ҳомийлар, жумладан, шаҳар партия кенгаши ҳам ғолиб жамоаларга ҳамда энг яхши ўйинчиларга совғалар топширдилар.

## ?! ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

**Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.**

**Савол: Меҳнат шартномаси қандай ҳолларда тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган тарзда бекор қилиниши мумкин?**

**Ж. Йўлдошев, Самарқанд вилояти.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 106-моддасига асосан меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган пайтларда бекор қилинади:

1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга қайта тикланган тақдирда;

3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек, ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда;

4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;

5) ходимнинг вафоти муносабати билан;

6) Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

**Савол: Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли бўлган иш ҳақи иш берувчи томонидан қандай муддатларда тўланади?**

**А. Рўзиматов, Андижон вилояти.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 110-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга тегишли бўлган иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга — меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга — у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган куни тўланиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса;

1) қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлган ходимга — огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан;

2) меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга — ишдан кетган кунининг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, ходимга шак-шубҳасиз тегадиган суммани иш берувчи ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК

Мустақил Ўзбекистон истиқлол ва тараққиёт йўлини «Ўзбек модели» асосида стратегик аниқ белгилаб, буюк келажак сари дадил юз тутди. Беш тамойил миллий камолотнинг яхлит умумлашмаси сифатида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, унинг негизида очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг назарий-амалий пойдеворига айланди.

Ўзбекистонда ана шундай жамиятни шакллантиришдек стратегик мақсад, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг тарихан мавжуд назарий-амалий мақомларини илмий теран умумлаштиришни, классик назариянинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ижодий-танқидий ўрганган ҳолда, унинг Ўзбекистон мисолида ўзига хос амалиёти муаммоларини тадқиқ этишни тақозо этди. Ана шу илмий эҳтиёж ўлароқ, академик Мурод Шарифхўжаевнинг «Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши» (Т.: Шарқ, 2003) китоби нашр қилинди.

М.Шарифхўжаевнинг улкан илмий ютуқларидан бири шундаки, у китобда фуқаролик жамиятининг Гегель томонидан белгиланган учта классик асос-белгиларига (иқтисодий, сиёсий, маънавий) конституциявий ҳуқуқ асос-белгини ҳам қўшади, уни бош асос-белги, деб қайд этади ва ўз назарий даъволарини илмий-амалий жиҳатдан тўлиқ асослаб беради.

Жаҳон назарий ва амалий тажрибаларига асосланган ҳолда, мустақил Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ ўзига хос муаммолар ечими мазкур тадқиқотнинг бош мавзусига айланган.

Муаллифнинг фикрича, миллий тараққиёт моделининг барча принциплари бозор цивилизациясининг демократик афзалликларини фуқаролик жамияти афзалликлари билан уйғун вобаста қилишга қаратилган. Бу жуда юксак тарихий масъулият бўлиб, турли жабҳаларнинг туб ислоҳотлар жараёнида уни қатъий инобатга олишга тўғри келади. Гап фақат фуқаролик жамиятини шакллантириш устидагина эмас, айни пайтда, цивилизациянинг аниқ ривожи хусусида ҳам кетяпти.

**1**

Бундай буюк ўзгаришлар тажрибасини бирор бир давлат осонликча бошдан кечиргани йўқ. Ўзбекистон собиқ иттифоқдош республикалар сингари ўтиш босқичидек мураккаб жараённи қийинчиликлар билан кечирди, кечирмоқда. Бу табиий қийинчиликлар миллий тараққиётимизнинг ўзига хос ислоҳотлар йўли ва уларнинг амалий самаралари орқали омилкорлик билан босқичма-босқич бартараф қилинаётганлиги китобнинг «Социализмнинг боши берк кўчаси», «Мустақилликнинг дастлабки ўн икки йиллик ислоҳотлари» бобларида батафсил ёритилган. «Жаҳон ҳамжамияти, — деб ёзади муаллиф, — Ўзбекистонда рўй бераётган ялпи демократик ўзгаришларни қаттиқ кузатиб турибди. Биз табиий равишда уларга кўп эътибор бериб турмадик, чунки шундай йўл ва стратегик мақсадни етти ўлчаб, бир кесган ҳолда ўзимиз танладик. Ҳар бир миллат танлаган тараққиёт йўлига эса ҳамиша хайрихоҳлик билан қараш, баҳо бериш лозим».

Ўзбекистон халқи танлаган инқилобий ларзаларсиз йўл туб ислоҳотлару ялпи янгиланишларнинг тадрижий йўлидир. 1991 йил декабрида собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ислом Каримов кўппартиявийлик, муқобиллик, бутун халқ томонидан бевосита, тўғридан-тўғри сайлов асосида Президент қилиб сайланди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Давлат ва жамият қурилишининг янги демократик принциплари шаклланди, миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели» ишлаб чиқилди. Фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш конституциявий давлатчилик пойдевори қўйилди. Замонавий бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш туб ислоҳотларнинг стратегик

**2**

мақсади қилиб белгиланди. Булар ҳаммаси, муаллиф хулосасига кўра, халқ томонидан қизғин қўллаб-қувватланган ялпи янгиланишларнинг ижобий натижалар беришига асос бўлади.

Ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» ва эркинлаштириш сиёсатининг амалий имкониятлари ҳақида мушоҳада юритган М.Шарифхўжаев мамлакатнинг дон ва ёқилғи мустақиллигига эришганини, хўжалик фаоллиги пасайишининг олди олинганлигини, минг йилликлар арафасида иқтисодиёт барқарор ўсишининг таъминланганлигини миллий иқтисодиёт мустақил ривожининг бош ютуғи сифатида баҳолайди, ушбу омилларни жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда асос бўлиб хизмат қилганини таъкидлайди. Иқтисодиётни сиёсат ва маънавият масалалари билан бевосита уйғунликда тадқиқ этади, бири иккинчисидан устун, деб қарамаслик лозимлигини уқтиради.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш, демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичи ҳақида муфассал фикр юритган муаллиф ҳақли равишда уни Ўзбекистон демократик ривожланиши тарихининг янги босқичи, деб хулоса чиқаришига асос бўлган. Босқичнинг ижтимоий-сиёсий фалсафаси эркинлаштириш ва очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш стратегияларида теран намоён бўлгани аниқ илмий-амалий умумлашмалар воситасида исботлаб берилади. Ушбу йўналишларда амалга оширган ишларимизни қатъият билан давом эттиришни, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишни жамиятнинг бош стратегик вазифаси, деб ҳисоблайди.

**3**

## ЭЛЕКТРОН КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Тошкент ислом университетида «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» ва «Танланган ҳадислар» электрон китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ҳаёт телекоммуникацион воситалар таъсирида кескин ўзгариб бормоқда. Яқин ўтган кунларда инсоният китоблар оламида яшаб, босма матнларни ўқиш ва уларни тайёрлаш билан шуғулланган бўлса, бугун компьютер оламида мультимедиага бой гиперматнлар билан ишламоқда.

Қуръони каримнинг электрон кўриниши таниқли олим Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» китоби асосида, «Танланган ҳадислар» электрон китоби эса ўлкамизнинг машҳур муҳаддислари имом Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ», Абу Мусо Муҳаммад Ат-Термизийнинг «Ас-Сунан» ва «Қудсий ҳадислар» ҳамда «Минг бир ҳадис» китоблари асосида университет магистрлари томонидан яратилди.

Мазкур электрон китоблар информацион қидирув тизими кўринишида экани ундан дарслик сифатида ва илмий тадқиқотларда кенг фойдаланиш имконини беради.

**Нурали ЗАРИПОВ**

## «УНИХО» МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖДА



Мамлакатимиз иқтисодий равнақида қўшма корхоналарнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли, кейинги пайтда бундай корхоналар фаолиятини кенгайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Яқинда Хазорасп туманида ишга туширилган «Унихо» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бунга яққол мисол. Унда пахтадан ип-калава тайёрланади. Ҳозиргача бу ерда 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса енгил саноатимиз учун ўта зарур хомашё бўлиб, хорижга экспорт қилиш имкониятлари ҳам кенг.

Таъкидлаш жоиз, қўшма корхона юзлаб хазорасплик ёшларни муқим иш жойи билан таъминлашга йўл очди. Улар бу ерда энг замонавий дастгоҳларни бошқариб, сифатли, харидоргир хомашё тайёрлашга эришмоқдалар. Тайёр хомашё ҳозирданоқ мамлакатимиз корхоналаридан ташқари Туркия ва Россия давлатларига экспорт қилинаётир.



❖❖❖

**Суратларда:** қўшма корхона цехларидан бири; илғор ишчилар (чапдан): Сайёра Шониёзова, Ирода Раҳимова ва Муҳаббат Сапаева.

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

# ЎЗИ СОТУВЧИ...

## ЁКИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЭТИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ ЖОЙИГА

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

... Валижон Эргашевнинг асл касби қурувчи-муҳандис. Салкам чорак асрдан буён моддий-техника таъминоти тизимида ишлаб келади. Шу соҳа бўйича раҳбар ўринбосари, 2001 йилнинг июнь ойидан эса жамият бошқаруви раиси лавозимида меҳнат қилаётганди.

Шу орада техника таъминоти «Фарғонаулгуржисавдо» ОТАЖга айлантирилди. Унинг қошида «Қўқонметалл», «Тараққиёт» ва «Қўқонсервис» шўъба корхоналари мавжуд эди. «Фарғонаулгуржисавдо» шўъба корхоналарга ўз низом жамғармасининг бир қисмини берган, 2000 йил 12 декабрда эса «Қўқонметалл» шўъба корхонасига ОТАЖ томонидан берилган мол-мулкнинг бир қисмини сотиш ҳақида қарор ҳам чиқарганди. Шу орада республика Давлат мулки қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда «Қўқонметалл» шўъба корхонаси негизида металл маҳсулотлари билан савдо қилувчи минтақавий савдо базаси ташкил этиш таклифи маъқулланди. Бу база «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси таркибига кириши лозим эди.

Бу мақсадни амалга ошириш учун аввало «Қўқонметалл»даги мол-мулкни қайта рўйхатдан ўтказиш зарурати туғилди ва бу вазифани бажариш учун Давлат мулкини бошқариш қўмитаси Фарғона вилоят бошқармаси алоҳида ишчи комиссия тайинлади. Ишчи комиссиянинг хулосаси бу масалага алоқадор барча идоралар ва уларнинг ходимларини ҳайратга солди. Маълум бўлишича, «Қўқонметалл» шўъба корхонаси ҳудудининг тўртдан уч қисми сотиб юборилган, ундаги металл маҳсулотлари сақланадиган майдонлар, оғир юк кўтаргич кран ва механизмлар, муҳандислик иншоотлари, бошқа асосий воситалар умуман баҳоланмасдан, бирон бир тўловсиз «Хадра» савдо ишлаб чиқариш жамоа корхонаси ихтиёрига ўтказиб юборилган, бу ерда минтақавий улгуржи савдо базаси барпо қилиш учун ҳеч қандай шароит қолмаган эди.

Боз устига, ишчи комиссия мол-мулклар ҳақиқий қийматидан анча арзонга сотилган деб топади. Бу мол-мулклар 7 миллион 58 минг 575 сўмга сотилган эса-да, комиссия уларнинг асл нархини 19858400 сўм деб баҳолаган.

Бу олди-сотдининг яна бир ғаройиб жойи: сотувчи ҳам, олувчи ҳам аслида бир одам — «Хадра», («Қўқонметалл» раҳбари М.Расуловнинг... оилавий корхонаси) эди!

Бундан ташқари, комиссия «Қўқонметалл»га тегишли бир қатор автотранспорт воситалари ҳам арзон нархларда сотилганлигини аниқлади. Масалан, «Қўқонметалл»га қарашли «Нексия» енгил машинасини харидор ахтариб ўтирмай, М.Расуловнинг ўғлига сота қолишган. Баҳоси ҳам чакки эмас: 1 миллион 150 минг сўм, холос. Шу тариқа «Дамас», «Тико», «Москвич-412» машиналари ҳам арзонгаровга сотилган. Масалан, «Москвич-412» енгил машинаси 25 минг сўмга сотилган! Рақамни ёзишда адашганимиз йўқ. Ёмон савдо эмас, тўғрими?

Бундай ғаройиб савдолар нафақат «Қўқонметалл», балки «Тараққиёт» ва «Қўқонсервис» шўъба корхоналарида ҳам юз берганлиги кўриниб қолди. Айтайлик «Тараққиёт» мулкининг бир қисми корхона раҳбарининг қизига, «Қўқонсервис» мулкининг бир

**1**

қисми шу корхона раҳбарига сотилган.

Бу фактларни Давлат мулк қўмитаси комиссияси ҳам тасдиқлади. Юқоридаги мол-мулкларни қайтариб олиш мақсадида Фарғона вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда «Фарғонаулгуржисавдо» биргаликда «Қўқонметалл» билан «Хадра» корхоналарини судга берди.

Табиийки, В.Эргашев раҳбар сифатида бу масалалар юзаки эмас, балки одил кўриб чиқилиши, ноқонуний ўзлаштирилган мол-мулк қайтарилиши учун курашади.

Унинг бошига ёғилган машмашалар ўшандан бошланди. Негадир шу воқеалар содир бўлгунча унга эътироз билдирмаган «Қўқонметалл», «Тараққиёт» ва «Қўқонсервис» шўъба корхоналаридан турли юқори идораларга В.Эргашевнинг яроқсиз раҳбарлиги, акциядорлик жамиятини бошқаролмаётганлиги ва ҳатто ички оилавий муносабатларигача қораланган хатлар қанот боғлаб уча бошлади. Текшир-текширлар кучайди.

Шаҳар ва вилоят хўжалик судлари эса «Фарғонаулгуржисавдо»нинг даъволарини қаноатлантирмаслик ҳақида қарорлар чиқаришди. Бунда судлар судгача «Нексия», «КАЗ-608В» русумли машиналар, «КАЗ-9368» русумли тиркама «Қўқонметалл»га қайтарилгани, «Хадра»га тўловсиз бериб юборилди, дейилган асосий воситалар «Қўқонметалл» ҳисобида тургани, мулкларни баҳолашни Қўқон шаҳар кадастр бўлими тўғри ўтказганлиги ва ҳоказо важларга асосланишган. Бироқ юқоридаги машиналарнинг сотилиши ҳақиқий нархларда амалга оширилган бўлса, «Хадра» нима учун уларни «Қўқонметалл»га қайтаргани тўғрисида судлар нега суриштирувни лозим топишмади?

Албатта, 2000 йил охирларида «Нексия», «Дамас», «Тико» енгил машиналарининг 1 миллион сўм атрофларида сотилиши (бунинг устига пул ўтказиш йўли билан) оддий фуқарода шубҳа уйғотиши мумкин. Аммо, судьяларда эмас.

Масалан, «Нега «Москвич — 412» машинаси атиги 25 минг сўмга сотилади?» деган саволга жавобгар томон «Бу машина асли 1994 йил 17 ноябрда сотилган, фақат ҳужжатлари 2000 йилда расмийлаштирилган» дея жавоб беради. Оддий фуқаро бу ерда «ие, олти йилгача ҳужжатсиз машина ўзга идорада нега сақланар экан? Ахир, ҳар йили техник кўрикдан ўтказилади, солиқ тўланади, унга бензин фонди очилади, ҳайдовчига маош тўланади, таъмирлаш ишлари ва ҳоказо харажатларни ким тўлаган экан? Умуман бир идоранинг машинаси олти йил ҳужжатсиз бошқа идора хизматида бўлиши қонунга хилоф эмасми?» деган ўйларга бориши шубҳасиз. Аммо, ишни кўрган судьялар бундай «нокерак» ўйларга бормаганлар чоғи...

Хуллас, бу ёқда судлар можароси, у ёқда Валижон Эргашев устидан ёзилган шикоятлар бўйича текшир-текширлар авж олди.

— Шу орада Фарғона вилоят ҳокимлиги устимдан ёзилган шикоятлар юзасидан текширув ўтказди. Текширув ўтказган ҳокимликнинг котибият мудири М.Ҳақиқов текширув натижаси билан мени таништирмади, — дейди В.Эргашев. — 2002 йил 2 февраль куни эса вилоят мулк қўмитасига чақириб «ишдан кетиш ҳақида ариза ёзиб бермасангиз бўлмайди» дейишди. Тазйиқ шу даражага бордики, мен 2000-2001 йиллар учун меҳнат таътили бериш ва таътил тугагандан сўнг ўз хоҳишим билан ишдан бўшатишлари ҳақида ариза ёзишга мажбур бўлдим. Шу заҳотиёқ аризанинг ксеронусхасини олиб вилоят ҳокимлигига узатишди. Аммо мен ўйланиб қолдим. Давлатнинг талон-торож бўлган мулкини қайтариш учун курашсам-да, мени ишдан кетишга мажбурлашса... Йўқ, адолат учун охиригача курашиш керак, дея аризани йиртиб ташладим. Бироқ, 8 февраль куни ОТАЖ Кузатув кенгаши йиғини чақирилиб қайта ариза ёздиришди. Аризада лавозимимдан бўшатилишимга вилоят ҳокимлиги мажбур қиляпти, деб кўрсатдим. Кузатув кенгаши эса аризани чуқур ўрганмай ишдан бўшашимга дарров розилик бера қолди...

Аммо В.Эргашев узоқ мулоҳазалардан сўнг 1 март куни яна кузатув кенгаши раиси А.Латиповга ариза билан мурожаат қилади ва унда меҳнат таътили тугагандан кейин ишга қайтажагини, дастлабки аризанинг ўз лавозимидан бўшатиш ҳақидаги қисмини эътиборсиз қолдиришни сўрайди.

Кузатув кенгаши бу аризани орадан бир ойу икки кун ўтгандан кейингина кўриб чиқади. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 90-моддасига асосан ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим эди. Бунинг устига Кузатув кенгаши аризани қачон кўриб чиқишни аризачига маълум қилмаган.

Хуллас, 2002 йил 3 апрель куни Кузатув кенгашининг йиғилиши чақирилди ва йиғилиш... «В.Эргашевнинг аризаси кўриб чиқилмасин (!)» деган қарор қабул қилади!

Орадан бир ой ўтиб, ОТАЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши чақирилди. Олдиндан эълон қилинган умумий йиғилиш кун тартибига ОТАЖ раҳбарини алмаштириш масаласи киритилмаган эди. Лекин Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.Ким «кун тартибидаги «ҳар хил масалалар» бандига шу йилнинг 4 ойи давомида жамият Кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилиш қарорларини тасдиқлаш масаласини киритишни таклиф қиламан» деб қолади. Бу қарорлар ичида эса жамият бошқаруви раисини вазифасидан озод этиш ҳақидаги «кичкинагина» қарор ҳам бор эди.

**3**

**Муносабат**

# ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ»



Вазифа ижроси ушбу мақсадларни ўзида мужассам этган дастурда аниқ белгилаб берилди. Бу дастурнинг негизини ташкил этувчи устувор вазифалар Ислом Каримов сиёсий фалсафасининг навбатдаги кашфиёти бўлган фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг аниқ белгилаб берилган етти стратегик мақсад тимсолида теран англаб олингани таҳлиллару хулосалар орқали умумлаштирилади. Асосий эътиборни фуқаролик жамиятини Ўзбекистонда шакллантиришнинг ўзига хос йўли, воситалари, мақсад-вазифаларига қаратади, етти вазифанинг ҳар бирини бирма-бир, айни пайтда, муштарак узвийликда тадқиқ қилади.

Муаллиф инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ошкоралик, демократик плюрализм, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни, мавқеи ҳамда демократик мақоми, суд-ҳуқуқ идоралари мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини, қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлигини амалда тўлиқ таъминлаш муаммолари ҳақида батафсил фикр юритади.

Маълумки, барча ислоҳотлар, демократик янгиланишлар, фуқаролик жамияти қуришдек олий мақсаднинг серсамар пировард натижаси, аввало, инсон омили, инсон мезонлари билангина белгиланади. Ҳамма нарса, барча ислоҳотлару янгиланишлар, энг аввало, инсон ва фуқаро манфаатлари, уларнинг бахт-саодати, баркамоллиги учун амалга оширилишини тўғри таъкидлаган муаллиф, бу аслида адолатли фуқаролик жамиятининг моҳият-мундарижасидир, деган хулосага келади. Зотан, фуқаролик жамияти ўз асл мақоми билан энг инсоний, энг демократик, энг очиқ, одил — бахт-саодат, фаровонлик жамиятидир.

Ислом Каримов сиёсатининг, сиёсий ва ҳуқуқий фалсафасининг том мазмун-моҳияти ҳам айнан ана шу буюк ният — олижаноб мақсадга сафарбарлиги билан мўътабар. Китобнинг «Биринчи Президент» боби айнан ана шу мўътабар ҳақиқатга, аниқроғи, унинг асос-заминларига бағишланганлиги ибратлидир.

Муаллиф Президент Ислом Каримов шахсини, серқўлам сиёсий фаолиятини, сиёсий назариясини яқиндан билганлиги ўлароқ, Йўлбошчининг тўлиқ шаклланган сиёсий таълимоти, ғояларининг амалий серсамар натижалари гувоҳи ҳамда онгли фаол иштирокчиси, жонкуяр тарғиботчиси сифатида шу миллий тикланиш йўлининг ютуғларини сиёсий қиёфа чизгилари воситасида кенгроқ ёритишга интилган.

«Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши» китоби ана шу тариқа ўз комил мазмун-мундарижаси, яхлит концепцияси, теран илмий-назарий ва амалий хулосалари, янгича ғоялар заҳираси билан, шубҳасиз, ноёб тадқиқот ҳамда жанрий ўзига хослиги билан ғоят долзарб бўлиб, фуқаролик жамияти ҳақида Ўзбекистонда яратилган дастлабки йирик, фундаментал қўлланмадир.

**Шавкат ЎРАЗАЕВ,**
**академик,**
**Фахри РАҲИМОВ,**
**юридик фанлари доктори**

**4** **5**

# ЯНГИ БИНОДА ЎҚИШМОҚДА



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчилари ўқув мавсумини янги бинода бошлашди. Қарийб минг ўринли бу лицейга жорий йилда яна 425 ўғил-қиз қабул қилинди. Бу ерда ўқиш, билим олиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилган. Спорт зали, 250 ўринли мажлислар зали, кутубхона мавжуд. Йил охиригача 300 ўринли ётоқхона қурилиши якунланади. Лицейда 25 та фан кабинети, кимё, физика лобараториялари, лингафон ва компьютер хоналари жиҳозланган. Ўқув масканининг Интернет тармоғига улангани ёшлар дунёқараши шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларга профессор, фан номзодлари ҳамда ўнлаб олий тоифали ўқитувчилар билим беришмоқда. Лицей директори Мамут Асқаровнинг фикрига қараганда, мавжуд кутубхона заҳирасини бойитишга ҳаракат қилинаётир. Ҳозир 11 мингтага яқин турли мавзулардаги китоблар бор. Айниқса, «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари», «Баҳолаш усуллари» ва «Таълим фалсафаси» каби мавзуларда ўтказилган семинарлар ўқитувчилар малакасини оширишда алоҳида ўрин тутмоқда.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



Суратларда: физика-математика фанлари номзоди Бахтибой Аташев машғулот ўтказмоқда; академик лицей биносининг кўриниши.

**Бендиниёз АЛЛАШЕВ олган суратлар**

# ЎЗИ ОЛУВЧИ

## ҚАЙТАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛГАН РАҲБАРНИНГ БОШИГА ТУШГАН САВДОЛАР ҲАҚИДА

Эҳтиёткорликни қаранг! Агар дастлабки белгиланган кун тартибига раҳбар алмаштириш масаласи ҳам киритилганда бундан акциядорларнинг барчаси хабардор бўлар ва умумий йиғилишда В.Эргашев ҳақида бошқача фикр билдирадиганлар ҳам чиқиб қолиши мумкин эди. Бу ҳолатда эса ҳамма иш хамирдан қил суғургандай ўтди. Кузатув кенгашининг В.Эргашевни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарори «ҳар хил майда масалалар» қатори тасдиқланиб юборилаверди.

ОТАЖ низомининг 12-моддаси 8-бандида **«Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас»** дея очиқ-ойдин кўрсатиб қўйилган. А.Кимнинг «Кузатув кенгаши қарорларини тасдиқлаш» масаласини кун тартибига киритиш ҳақидаги таклифини «жамият бошқаруви раисини алмаштириш» масаласи дея тушуниш учун акциядорлар қанчалик фантазияга бой бўлиши зарурлигини тасаввур этинг.

Ушбу низомнинг 12.5.4-моддасига кўра «Жамият бошқаруви раисини сайлаш ва уни ваколат муддатидан илгари тўхтатиш» акциядорлар умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига киради. Демак, ўзининг мутлоқ ваколатига кирадиган масалани чала-чулпа, билиб-билмай, «ҳар хил масала» қаторида ҳал этган умумий йиғилиш қарорининг қонунийлигига шу тариқа шубҳа уйғонади. Акциядорлик жамияти раисини унинг ўз иштирокисиз, акциядорлар муҳокамасисиз ишдан озод этиш ҳам умумий йиғилиш қарорининг қонунийлигини таъминлашга зид ҳолдир.

Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси А.Латиповдан «Нега В.Эргашевни умумий йиғилишга таклиф этмадингизлар?» дея сўралганда у «ҳақиқатан ҳам Эргашевни ишга қайтиш ҳақидаги аризасини «Фарғонаулгуржисавдо»да муҳит бузмаслик учун оқибатсиз қолдирганмиз. Унинг биринчи аризаси нусхасини менга вилоят ҳокимлигидан беришган, аслида иш берувчи сифатида аризани мен ўзим олишим керак эди. Ишдан бўшатиш масаласини умумий йиғилишда тасдиқлаганмиз, Эргашев бу йиғилишда ҳам акциядор, ҳам лавозимдан кетувчи шахс сифатида иштирок этиши шарт эди(!), лекин, «неэтичний» бўлмасин, деб таклиф қилмаганмиз» дея жавоб беради.

Қаранг, Кузатув кенгаши аризанинг ўзи эмас, балки нусхаси асосида қарор чиқаради, ҳолбуки, аризачи аризани қайтариб олган ва нусханинг эса юридик кучи йўқ эди. Эргашевнинг ўзини мажбуран, тазйиқ остида бўшатилаётганлиги **4** айтилган иккинчи аризаси эса муҳокама қилинмаган, нега? Кузатув кенгаши жамият бошқаруви раҳбарининг нега мажбуран ишдан кетаётганлиги, бу ҳолнинг сабаблари, асосли-асоссизлигини муҳокама этиши шарт эмасмиди?

Валижон Эргашев фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ўзининг ноқонуний ишдан бўшатилганлиги ҳақида даъво аризаси киритди. Суд даъвогарнинг юқоридаги важларини асоссиз, унинг ишдан бўшатилишини эса қонуний деб топди...

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида **«меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширмоқлари лозим. Қонунда белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим меҳнат шартномаси тугатилганлиги ҳақида буйруқ чиқарилганидан қатъи назар аризасини қайтариб олишга ҳақли. Агар ҳал қилув қарори чиқариш вақтида огоҳлантириш муддати ўтмаганлиги аниқланса, меҳнат шартномаси қатнашчилари огоҳлантириш муддатини пул компенсацияси билан алмаштиришга келиша олмасалар, ходимни аввалги ишига тиклайди»** деб очиқ-ойдин кўрсатилган. Демак, юқоридагидан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши даъвогарнинг қайси ҳолатда ариза ёзишидан қатъи назар унинг ишга қайтиш ҳақидаги аризасини қаноатлантиришга мажбур эди. Минг афсуски, масъул идоралар ва судлар В.Эргашев ишини ҳал этишда қонун талабларини инобатга олмадилар.

Хуллас, «Қўқонметалл», «Тараққиёт», «Қўқонсервис» шўъба корхоналаридаги ноқонуний олди-сотдиларни бартараф этиш, арзон гаровга бериб юборилган акциядорлар мулкини жойига қўйиш учун бошланган ишлар шу тариқа кутилмаган тарзда якун топяпти.

Бизнингча, юқоридаги корхоналар иши ва Валижон Эргашевнинг ноқонуний бўшатилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва судлар ҳар иккала ишни яхлит ҳолда кўриб чиқса мақсадга мувофиқ бўларди. Вилоят ҳокимлигига ёзилган шикоятларнинг туб сабаблари, бу шикоятларни кўриб чиқишда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, ҳокимликнинг акциядорлик жамияти ишига аралашуви, В.Эргашевнинг ишдан кетишидаги ноқонунийликларга юқори даражадаги одил суд ўзининг холис, адолатли, ҳаққоний баҳосини беради, дея умид қиламиз.

**Ҳусанбой АҲМЕДОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**5**

# XORIJDA

## БУЙРУҚНИ БАЖАРИШДАН БОШ ТОРТИШДИ

Исроил Ҳарбий ҳаво кучларининг 27 нафар учувчиси чоршанба куни Фаластин ҳудудида ўтказиладиган ҳарбий операцияда қатнашишдан бош тортиб, Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига баёнот жўнатдилар. Бунга сабаб Ғазо секторидаги ХАМАС жангарилари билан отишма чоғида тинч аҳолидан бир неча кишининг қурбон бўлганидир.

Буйруқни бажармагани учун учувчиларга қамоқ жазоси тайинланиши мумкин.

Учувчиларнинг учишдан бош тортиши қўмондонликни Ғазо секторида ҳарбий операция ўтказишдан барибир қайтаролмади. Пайшанба куни эрталаб икки бор ўтказилган рейдда «Ислом жиҳоди» жангариларидан 4 нафари отиб ўлдирилди. Отишмада Исроилнинг 5 ҳарбийси жароҳатланди. Ачинарлиси шуки, бу сафар ҳам тинч аҳоли қурбон бўлди, яъни Ғазо сектори марказидаги Бурейж қочоқлар лагерида 2 кишига ўқ теккан.

Буйруқни бажаришдан бош тортган учувчилар масаласига келсак, буни Исроил президенти Моше Кацав муҳокама этди. Уларнинг ҳарбий буйруқни бажаришдан бош тортиши ҳақидаги баёноти нафақат ахлоқий, балки сиёсий масалаларга ҳам тааллуқлидир.

Исроилнинг Ha'aretz газетаси хабарига кўра, мамлакат Ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондони Дан Халуц 27 нафар учувчидан 9 нафарини учишдан четлатиш ҳақидаги буйруққа имзо чекди.

## НЕФТЬ БАҲОСИ КЎТАРИЛДИ

ВВС тарқатган хабарга кўра, ОРЕС ташкилоти «қора олтин» қазиб олишга квотани қисқартирганлиги ҳақида маълумот тарқатгач, жаҳон бозорида нефтнинг нархи дарҳол кўтарилиб кетди.

Гап шундаки, ОРЕСнинг Венада ўтган конференциясида Эрон ва Қувайт кунлик нефть қазиб олишни 900 минг баррелга туширгани ҳақида баёнот берди. Шундан сўнг Австрия пойтахтидаги трейдерлар нефть баҳосини дарҳол кўтардилар, яъни «брент» русумидаги нефтнинг нархи 3 фоизга (1,03 доллар) ошди ва 1 баррели 26,55 долларни ташкил этди. ОРЕС раҳбарияти эса нефть қазиб олиш учун квотани қисқартириш эвазига 1 баррелни 25 доллар атрофида «ушлаб» туришни кўзлаётганини маълум қилди.

ОРЕС аъзоларининг Венадаги учрашувида Ироқнинг бу ташкилотдаги мавқеи ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, Ироқ ОРЕС асосчиларидан бири ҳисобланади. Лекин коалиция кучлари Ироқда ҳарбий операциялар бошлагач, Ироқ вакиллари ОРЕСнинг умумий йиғилишларида иштирок этмай қўйди. Бундан ташқари, ОРЕСнинг умумий ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида Ироқ 1991 йилдан бери қатнашмайди.

## ЎЛИМ ЖАЗОСИ ТИКЛАНИШИ МУМКИН

Буюк Британияда чоп этиладиган «Таймс» газетасида ёзишларича, Ироқда жиноятчиликнинг авж олиши ва қонунга итоат этмаслик ҳаракатларининг ўсиб бориши муносабати билан АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Ироқда ўлим жазосини қайта тиклаш масаласини муҳокама этишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу борада Америка маъмурияти билан маслаҳатлашувлар бошлаб юборилди.

Мазкур масала Ироқдаги янги ҳукумат кенгаши талабидан сўнг кун тартибига кўтарилмоқда. Гап шундаки, Ироқдаги иттифоқчи кучлар ҳарбийларига уюштирилаётган ҳужумлар, нефть тармоқларини ёндириб юборишга уринишлар ва бошқа турли экстремистик ҳаракатларни бироз бўлса-да бостириш учун Ироқдаги янги ҳукумат кенгаши аъзолари қаттиқроқ жазо чоралари қўллашни иттифоқдош мамлакатлардан талаб қилди.

Бироқ Британиянинг айрим расмий доиралари ва жамоат арбоблари Ироқда ўлим жазоси қайта тикланиши мумкинлигидан ташвишга тушаётганини билдирмоқдалар. Негаки, Европа Иттифоқи ва унинг аъзоси бўлмиш Буюк Британияда ўлим жазоси тақиқланган. Бундан ташқари Бирлашган Қироллик Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ўлим жазосини тақиқловчи Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенцияси аъзосидир. Шунинг учун ҳам Буюк Британия бош прокурори лорд Голдсмитдан Ироқда олий жазо чоралари қайта тикланиши масаласига ўз баҳосини бериши сўралди. Чунки, Бирлашган Қироллик бугунги кунда Ироқдаги ҳукумат фаолиятини назорат қилиб турган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

«Биз ўлим жазосига қаршимиз, — деди Британия бош вазирининг инсон ҳуқуқлари бўйича Ироқдаги махсус вакили Энн Клюид. — Ва мен ўйлайманки, Буюк Британия мазкур масалага ҳар томонлама чуқур ўйлаб сўнг ёндашади. Мен Ироқ халқининг кўнглида нима кечаётганини яхши тушунаман. Улар ўч олишга интилаётганини ҳам тушунамиз. Бироқ ўч олишнинг турлари жуда кўп».

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги даврида мамлакатда ўлим жазоси кенг қўлланилган. Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилгач эса иттифоқчи қўшинлар қўмондони, генерал Томми Фрэнкс буйруғи билан бу жазо бекор қилинганди.

Яна бир гап. Бағдод аҳолисининг кўпчилиги Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилганини ёқлаб овоз берган. Бу ҳақда яқинда Gallup ўтказган сўровнома натижалари шоҳидлик беради. Сўровда қатнашганларнинг учдан икки қисми диктатордан қутулганига шукр қилиб, урушдан кейинги сув ҳамда электр таъминотидан узилишларга ва бошқа қийинчиликларга чидашга мингдан-минг рози эканлигини билдирган. Тадбир иштирокчиларининг 29 фоизи АҚШ Президенти Жорж Бушга, 20 фоизи эса Буюк Британия бош вазири Тони Блэрга ҳурмати баландлигини изҳор этган. Бу борада Франция Президенти Жак Ширакнинг рейтинги юқори бўлди, яъни сўралганларнинг 42 фоизи уни ёқлаб овоз берган.

Шунингдек, ахборот тарқатиш билан шуғулланувчи CNN, USA Today ва Gallup ташкилотларининг яқинда АҚШда ўтказган сўровида шу нарса маълум бўлдики, Ироқдаги урушни ёқловчилар сони камайиб бормоқда: апрелда 76 фоиз америкалик Ироқда коалиция кучларининг ҳарбий ҳаракатлари бошланишини ёқлаб овоз берган бўлса, сентябрь охирларида эса бу кўрсаткич 48 фоизни ташкил этди холос, дея хабар беради Reuters агентлиги.

**Шарҳловчи минбари**

# САДАҒАНГ КЕТАЙ, ТИНЧЛИК!

## ТЕРРОРИЗМ ВА МИЛЛИЙ-ЭТНИК НИЗОЛАР ТИНЧЛИК ҲАМДА ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Дунё халқлари учун тинчликдай азиз ва қадрли нарса йўқ. Тинчлик — бу бунёдкорлик, барқарорлик, фаровонлик, тараққиёт, эртанги кун дегани.

Яратганга шукрки, ҳозир ер юзида катта урушлар йўқ. Охиргиси Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар бўлди. Бироқ Ер юзининг турли минтақаларида можаролар, миллий-этник низолар, турли қарама-қарши гуруҳларнинг тўқнашувлари, қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатлари бўлиб турибди. Аслида буларнинг ҳам урушдан фарқи йўқ. Чунки бегуноҳ одамлар қони тўкиляпти. Кейинги йилларда биргина Африка қитъасининг ўзида миллий-этник низолар оқибатида бир неча миллион тинч аҳоли қурбон бўлди. Шубҳасиз, бундай низонинг катта урушдан фарқи кам. Миллий-этник низолар Шарқий Европадаги баъзи давлатларнинг халқларига ҳам кўп фожиалар келтирди.

Ҳар қандай миллий-этник низо катта уруш чиқиши мумкин бўлган хавфли манба ҳисобланади. Кашмирдаги вазият ҳам шуни эслатади. Бу ерда бир неча марта катта уруш чиқиш хавфи пайдо бўлди, бир марта уруш аланга олди ҳам. Миллий-этник низолар Африкадаги айрим давлатларда ҳозир ҳам бўлиб турибди. Баъзан миллатлар ва қабилалар ўртасидаги уруш-жанжал даҳшатлари ёввойи ҳайвонлар ўртасидаги ваҳшийликдан ҳам ошиб тушяпти. Собиқ совет империяси жон таслим қилаётганида империяпараст кучлар миллатлар ўртасида низо туғдиришнинг бу усулини Ўзган ва Фарғона воқеаларида синаб кўришган. Биз бундай фожиа даҳшатларининг гувоҳи бўлганмиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ турли миллат ва элат вакиллари ўртасида миллий тотувликни таъминлаш сиёсатини ўтказиб келяпти. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бу сиёсатнинг самараларини ўтган йиллардаги ҳаёт натижалари кўрсатиб турибди. Бизда миллатчилик ва миллий камситиш деган тушунча умуман ижтимоий-сиёсий ҳаёт мезонимиздан чиқиб кетган. Миллати ва элатидан қатъи назар бизда ҳамма тенгҳуқуқли, шу азиз Ватаннинг фуқароси. Бу мустақилликнинг буюк ютуғидир.

Кўп миллатли, тили ва ирқи жиҳатидан фарқ қиладиган, диний эътиқоди турлича аҳоли яшайдиган мамлакатлар деярли барча қитъаларда бор. Уларнинг аксариятида миллий тенглик ва тотувлик таъминланган. Шунга қарамасдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу масалага катта аҳамият беряпти. Бунга сабаб фақат Африкадаги миллий-этник низолар эмас. Бундай низолар вақти-вақти билан бошқа қитъаларда ҳам бўлиб турибди. Агар Осиёни оладиган бўлсак, Индонезияда, Шарқий Тиморда, Филиппинда, Шри Ланкада юз берган хунрезликларни эслашнинг ўзи кифоя. Яқин Шарқ можаросида нафақат тарихий-ҳудудий, балки миллий-этник ҳамда диний-этник низолар ҳам уйғунлашиб кетган. Оқибатда бу чигаллашиб, ечими йўқ муаммога айланди. Бу борада Европадаги вазият ҳам силлиқ эмас. Аввало, собиқ Югославия ҳудудида ҳали ҳам тинчликка таҳдид қиладиган ҳолат сақланиб турибди. Шимолий Ирландияда, Кипрда, Днестрбўйида, Чеченистонда мураккаб муаммолар мавжуд. Жанубий Америкада ҳам нотинч мамлакатлар бор. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаяпи. Бу табиий ҳол, албатта.

Миллий-этник низолар тинчлик ва тараққиётнинг, барқарорлик ва хавфсизликнинг, миллий муроса ва тотувликнинг душмани сифатида намоён бўлмоқда.

Замоннинг тинчлигини гоҳи-гоҳида яна бир нотинчлик бузиб турибди. Бу кейинги пайтда даврнинг оғир дардига айланиб бораётган террорчилик ҳуружларидир. Минг афсуски, бу офат тобора оммавий ва шафқатсиз тус оляпти. Халқаро терроризм ҳозир жой ва давлат танламай қўйди.

Энг даҳшатлиси, аср вабоси ҳисобланган бу офатдан бир-бирлари билан душман бўлган ва ўч олишга қасд қилган арбоблар, гуруҳлар, ғаразгўйлар, фитначилар, диёнатсизлар эмас, балки ҳеч нарсадан бехабар ва ҳеч нарсага дахли бўлмаган оддий бегуноҳ одамлар жабр кўришяпти.

Терроризмни жаҳон қоралаяпти, катта анжуманларда муҳокама этиляпти, давлатлар унга қарши чоралар кўряпти. Шунга қарамасдан жаҳонда террор кучайгандан-кучайиб, терроризмнинг ваҳшиёна тажовузкорлиги ошгандан-ошиб боряпти. Хўш, бунинг сабаблари нимада?! Ҳамма гап ана шунда. Назаримизда терроризмни келтириб чиқараётган сабаблар чуқур ўрганилмаяпти ва унинг олдини олиш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Сабабсиз ҳеч нарса бўлмайди. Шунингдек, имкониятсиз ҳам ҳолат бўлмайди. Ақл-идрок ва оқиллик имкониятни ишга солиб, сабабни бартараф этишга хизмат қилади. Ақл-идрокка асосланган сиёсатгина мақсадга эришади.

Айтмоқчимизки, фаластинлик террорчилар қанчалик лаънатланмасин ёки исроил томони қанчалик қораланмасин, агар Яқин Шарқ «тугуни» ечилмаса ҳеч нарса ўзгармайди. Можаро асрдан-асрга ўтаверади. Гап Ёсир Арафотда ёки Ариэл Шаронда ҳам эмас. Гап маҳкам қилиб тугиб қўйилган «тугун»да. Бу тугуннинг ичида эса баъзи давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган «сеҳр» бор. Ақл-идрок кучи ғалаба қилмас экан, бу «сеҳр» ўз таъсирини кўрсатаверади.

Ҳозир нафақат Яқин Шарқдаги, балки Кашмирдаги, Болқондаги ва Африкадаги можароларда ҳам, дунёнинг турли жойларида юз бераётган миллий-этник ҳамда диний-этник низоларда ҳам қарама-қарши томонлар ҳеч қачон ўзларини ноҳақ деб ҳисобламайдилар ва ён босишни истамайдилар. Куч ишлатиб зўравонлик қилиш ёки уруш чиқариб «ўз ҳақиқатлари»ни тиклашларига эса халқаро майдонда ҳакамлик қилаётган давлатлар йўл беришмайди. Шундан кейин яширин кураш ва ўч олишнинг қабиҳ йўлини — терорчиликни танлашади. Ўч олиш алами жаҳолатга чорлайди.

Тинчлик сўзи ёқимли ва ҳузурбахш жаранглайди. Уни сақлаш ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун ҳамма — мамлакатлар ва миллатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, давлат арбоблари ва сиёсатчилар, оммавий ахборот воситалари ва тинчликсевар кучлар якдил бўлиб кураш олиб боришлари зарур. Бу курашнинг ўз мезонлари бор. Улар тўғрилик, холислик, ҳаққонийлик, тенглик, тенг ҳуқуқлилик, дахлсизлик, қонунийликдир. Агар ақл-идрок билан ана шу мезонларга амал қилинса, тинчлик таъминланади.

Садағанг кетай, Тинчлик!

**Иброҳим НОРМАТОВ**

